# „НЕГОДЕН“ ДЕЙИШГАНИ УЧУН СУДЛАШГАН ЙИГИТ

Мамлакатимизда Ватан сарҳадлари дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини мустаҳкамлаш, элу юрт осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир, бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган Қуролли Кучларни вужудга келтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Осойишталигимиз қалқони бўлган армиямиз ҳар жиҳатдан қудратли, маънан етук ва баркамол бўлиб бормоқда, энг замонавий қурол-яроғларни ишлатиш маҳоратини эгалламоқда. Фуқароларнинг Қуролли Кучларимизга бўлган муносабати ҳам тубдан ўзгарди. Жамоатчилик тафаккурида армиямиз борган сари халқимизнинг узвий бир қисми, барчамизнинг фахр-ифтихоримизга айланмоқда.

Аскарларимиз, ҳарбий хизматчилар ҳам бунга жавобан Ватаннинг ҳар бир қарич ерини кўз қорачиғидек асрашга масъуллигини теранроқ англамоқда. Йигитларимиз ҳарбий хизматнинг моҳиятини тушуниб, ўз бурчини адо этишга астойдил интилаётгани қувончли ҳол.

Илгарилари йигитларнинг турли важларни рўкач қилиб, армияга бормасликка баҳона излаганини эсласак, соҳадаги бугунги ислоҳотларнинг нечоғли тўғри ва ўз вақтида амалга оширилаётганига амин бўламиз. Ватанни қўриқлашга, асрашга масъул бўлган паҳлавон йигит ўз бурчини адо этишдан тонса, халқ учун бундан оғирроқ мусибат бўлмаса керак.

Парламентимиз сессияларидан бирида Президент Ислом Каримов таассуф билан бундай деган эди «...бугун шундай вазият юзага келганки, туман мудофаа ишлари бўлими раҳбарлари ва чақирув комиссиялари кимни хизматга чақиришни, кимга эса чақирув муддатини узайтириб бериш ёки уни умуман чақирувдан четда қолдириш, баъзида эса муайян манфаатдорлик эвазига армиядан бутунлай озод қилиш масаласини ўзларича ҳал этмоқда».

Андижон вилоятидаги Олтинкўл тумани мудофаа ишлари бўлимидан ҳарбий хизматга чақирилувчи Бекзод Режабов вилоят доимий тиббий комиссиясидан кўрикдан ўтганида, шифокорлар унга ҳарбий хизматга яроқсиз эканини айтди. Ватан ҳимоясига отланаётганидан кўнгли ғурурга тўлиб юрган йигитни бу гап анча эсанкиратиб қўйди. У, табиийки, ота-онасига вақтида соғлиғи тўғрисида қайғурмагани учун гина қилди. Кутилмаган дилхираликдан ота-она ҳам изтиробда қолди. Чунки фарзандлари болаликдан соғлом ўсганди. Бекзоднинг отаси Абдуҳалим ака Андижон ҳарбий прокуратурасига мурожаат қилди.

Қизиғи шундаки, Б. Режабовга туман тиббий комиссияси юритган «тиббий варақа»да ҳарбий хизматга лойиқлиги қайд этилган. Лекин вилоят ўсмирлар поликлиникаси доимий тиббий комиссияси шифокорлари Ҳабибулла Арабжонов ҳамда Равшан Қаюмов негадир бунга эътибор бермай, Бекзодга «гавданинг нотўғри шаклланиши» ташҳисини қўйган. Варақадаги «ПО 18. 04. 03», «годен СО 3 Т36» ёзувлари «ТО 18. 04. 03», «негоден СО 6 Т36» қилиб ўзгартирилган. Тиббий варақанинг пастки қисмига қизил рангли ручка билан «Негоден-СО-6 ст 36 б» сўзлари битилган.

Мазкур иш юзасидан олиб борилган тергов жараёнида Ҳ. Арабжонов ва Р. Қаюмовнинг ўз зиммасидаги масъулиятни яхши ҳис этмай, муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжат ҳисобланган «тиббий варақа»даги ёзувларни қасддан ўзгартириб, жабрланувчи Б. Режабовнинг фуқаровий ҳуқуқи ва қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларига зиён етказилишига сабабчи бўлгани аниқланди. Айбдорлар тегишли тартибда жиноий жавобгарликка тортилди. Бекзод Режабов эса ҳозир ҳарбий ҳаво кучлари ва ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари сафида хизмат қилмоқда.

Қудратли Қуролли Кучларимиз шаклланиши аслида ҳарбий хизматга чақирувдан бошланади. Демак, жойлардаги мудофаа ишлари бўлимлари ва чақирув комиссиялари зиммасидаги масъулият шу юртда яшаётган ҳар бир инсон тақдири билан боғлиқ. Ахир энг соғлом ва муносиб ўғлонларни юрт ҳимоясига саралаб бериш уларнинг вазифаси. Шунинг учун ҳам бу жараёнда холислик бош мезон бўлиши зарур.

Лекин мазкур бўғинда бугун ана шу мезонга путур етаётгани ачинарли ҳолдир. Уларнинг айримлари авваллари муайян манфаатдорлик эвазига соғлом йигитлардан ёлғон қусурлар топиб беришга «ҳисса» қўшган бўлса, бугун бунинг тамомила акси. Яъни армияга бораман, деб кўкси ғурурга тўлиб юрган йигитларнинг сазасини ўлдириб, касалга чиқаришга ҳаракат қилаяпти.

Ҳарбий хизматга чақирилувчилар Ўзбекистон Республикаси «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунининг 20-моддасига мувофиқ амалга оширилади. Унга кўра, чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, уларнинг маънавий ва касбий фазилатлари, шунингдек, оила аъзоларининг моддий ва ижтимоий аҳволини ўрганиш натижалари инобатга олинган ҳолда туман чақирув комиссияси қарорига асосан ҳал қилинади.

Лекин айрим жойларда чақирилувчилар тақдири тегишли комиссия томонидан эмас, балки мудофаа ишлари бўлимлари масъул ходимлари томонидан ҳал этиляпти. Айни шундай ҳолатлар чақирув жараёнида зикр этилган ҳолатлардаги каби нохолисликлар пайдо бўлишига замин яратган. Мисол учун, Тошкент шаҳар Юнусобод туманида бу йилги баҳорги чақирувда 9 кишидан иборат чақириқ ҳайъати тузилган. Аммо, 2003 йил 1 апрелдан 18 апрелгача туман мудофаа ишлари бўлимида 617 нафар чақирилувчи тиббий кўрикдан ўтказилган ва уларнинг тақдири ҳайъат аъзолари иштирокисиз туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи вазифасини вақтинча бажариб келган майор В. Тожиев томонидан ҳал қилинган. Мазкур ҳолат юзасидан Тошкент ҳарбий округ ҳарбий прокуратураси томонидан Юнусобод тумани мудофаа ишлари бўлими мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Шунингдек, жорий йил баҳорги чақирувда Фарғона вилояти мудофаа ишлари бошқармасида ҳарбий тиббий комиссия аъзоси бўлган невропатолог Ю. Қўчқоров Фарғона шаҳар 3-касалхона врачи У. Қаюмов билан олдиндан тил бириктириб, бошқа бир жиноятга қўл урган. Улар 18 март куни тиббий кўрикдан ўтаётган фуқаро У. Низомовга 60 минг сўм пул берсанг, ички ишлар қўшинларига юборамиз, деб шама қилган. Сир эмас, бугунги кунда мазкур қўшинга энг соғлом ва сара йигитлар танлаб олинаётир. Чақирилувчи қўйилган «шарт»ни қабул қилмаганида, бу кимсалар ҳам соғлом йигитни «негоден»га чиқариб юборишни ҳеч гап эмасди. Лекин бу воқеага вақтида қонуний баҳо берилди.

Мазкур вилоятда чақирув билан боғлиқ бўлган яна бир воқеа кишини ўйга толдиради. Инсон ҳаётига менсимай қараш, унга масъулиятсиз муносабатда бўлиш ҳеч бир меъёрга тўғри келмайди. Лекин Фарғона шаҳар мудофаа ишлари бўлимида 1978 йилда туғилган Шуҳрат Холбоевга шундай муносабатда бўлинган. Мазкур бўлим томонидан Ш. Холбоев 1997 йил 31 октябрь куни муқобил хизматга чақирилиб, 1999 йилнинг шу кунида ўз хизмат вазифасини тугатган. Лекин 2000 йил 10 февраль куни Қувасой шаҳар мудофаа ишлари бўлими томонидан у ноқонуний равишда, яна ҳарбий хизматга жўнатилган. Аскар хизматни яна тўлиқ ўтаб, 2001 йил ноябрь ойида заҳирага бўшатилган.

Мазкур ҳолат юзасидан Шарқий ҳарбий округ ҳарбий прокуратураси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борияпти. Иш юзасидан кимлардир жазога тортилади, албатта. Лекин Шуҳратнинг 1,5 йиллик умрини, афсуски, ҳеч ким қайтариб беролмаслиги ачинарли.

Айрим мудофаа ишлари бўлимларидаги масъул шахсларнинг ўз вазифаларига бундай масъулиятсизларча муносабатда бўлиб, ўзгаларнинг жабр чекишига сабабчи бўлаётгани етмагандай, улар томонидан муқаддас ҳарбий билетни сохталаштириш ҳолатларига ҳам йўл қўйилган. Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ ҳарбий прокурорининг хабарига кўра, Чироқчи тумани мудофаа ишлари бўлими собиқ бошлиғи Э. Қобилов ва 4-бўлинма бошлиғи О. Пўлатов фуқаро К. Нормуродовнинг ҳарбий гувоҳномасига унинг заҳирага бўшатилгани тўғрисидаги сохта ёзувларни киритиб, ноқонуний равишда фойдаланишга берган. 1974 йилда Чироқчи туманида туғилган Ф. Холмуродов 1997 йил кузги чақирув комиссиясидан ўтмаган бўлса-да, номлари зикр этилган шахслар томонидан чақирув комиссиясининг қарорлари китобига 7/2107-рақамли ҳарбий гувоҳнома ноқонуний равишда расмийлаштирилиб, фойдаланиш учун берилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси органлари томонидан йўл қўйилаётган бундай ҳолатларга барҳам бериш юзасидан изчил чора-тадбирлар кўриляпти.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ПРОЗВУЧАЛ СИГНАЛ „СБОР“...

**(Окончание. Начало на 1-й стр.).**

И, наконец, в зоне складских помещений заместителем командира части по тылу майором Эргашем Ходжимурадовым была доведена организация погрузочно-разгрузочных работ при получении материально-технических средств, вооружения и боеприпасов.

На подведении итогов занятия представитель штаба ЮЗОВО полковник Сервер Соцкий заострил внимание командиров частей на вопросах повышения боевой готовности личного состава, бдительности и боевой настороженности, выразил уверенность в том, что они приложат все силы к внедрению в своих воинских коллективах обретенного здесь ценного методического опыта.

— Действия по сигналам учебной тревоги всегда были одним из главных элементов боевой учебы, — говорит один из участников занятия капитан Насим Суханов. — В связи с этим значимость данного мероприятия трудно переоценить, ведь оно стало еще одним шагом нашего командирского становления.

**Майор Аблай КАМАЛОВ,**
**корр. «Ватанпарвара».**

# ЙЎРИҚНОМА АСОСИДА МАШҒУЛОТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланишидаги ўзгаришлар, қабул қилинаётган кодекс ва Қонунлар асосида Республика Ҳарбий прокуратураси тергов бошқармаси Мудофаа вазирлигининг тарбиявий ишлар Бош бошқармаси ва юридик хизмати ҳамкорлигида «Мудофаа вазирлиги қўшинларида суриштирув юритиш йўриқномаси»си ишлаб чиқилди. Мазкур йўриқнома Мудофаа вазирининг 2003 йил 7 апрелдаги буйруғи билан кучга киритилди.

Ушбу йўриқномани фаолиятда тўғри қўллаш ва суриштирув масалаларидаги айрим камчиликларни бартараф этиш мақсадида Республика ҳарбий прокуратураси тергов бошқармаси томонидан ҳарбий округларда ҳарбий суриштирувчилар ва прокурор-тергов ходимлари билан ўқув-семинар машғулотлари режага асосан ўтказилмоқда.

Машғулотлар Марказий ва Жануби-ғарбий ҳарбий округларда ўтказилди. Машғулотларда Республика ҳарбий прокуратураси тергов бошқармаси бошлиғи адлия майори Р. Ҳакимовнинг ахбороти катта қизиқиш билан тингланди.

Шундай машғулотлар Тошкент, Шарқий ва Шимоли-ғарбий ҳарбий округларда ҳам ўтказилиши белгиланган.

**Республика ҳарбий прокуратураси матбуот хизмати.**

# МОҲИР ДЕСАНТЧИЛАР



**Баҳодир ҳам, Фарҳод ҳам десантчи. Бу иккала йигитнинг ҳам исми жисмига монанд. Ҳақиқий баҳодир, ҳақиқий фарҳод. Улар хизмат қилишаётган бўлинмада тош кўтариш, турникда тортилишда бу азаматларнинг олдига тушадигани йўқ. Югуришда ҳам — шамолдек елади улар.**

**— Десантчи бўлишнинг ўзига хос машаққатлари бор, — дейди шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Баҳодир Олимов. — Парашют билан сакраш учун фақат жисмонан етук бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди, Ўзига яраша билим ҳам даркор.**

**— Руҳан тайёр бўлмаган киши парашют билан сакрайман деб овора бўлмасин, — дейди шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Фарҳод Примов. — Мен шу кунгача йигирма беш марта парашютдан сакрадим. Муваффақиятли сакраш учун ерда яхши тайёргарлик кўриш керак.**

**Биз бу икки десантчига ҳамиша сакрашларинг бароридан келаверсин, деймиз.**

**Фаррух АБРАЕВ,**
**ЎзМУ талабаси.**
**Александр МРУЧАК** олган сурат.

